

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

# FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

## Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир  
Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Турция)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR (Япония)  
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)  
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)  
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

## Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)  
ҮРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)  
ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАФАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)  
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ҮРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

**Муҳаррирлар:**  
Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

**Таҳририят манзили:**  
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фарғона,  
2021.

---

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

### **3.Пардаева**

Кредит-модуль таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил қилиш модели .....	94
<b>Х.Жўраев, З.Раҳимов</b>	
Фурқат ижодининг ўзига хос хусусиятлари .....	103
<b>Х.Шарафиддинов</b>	
Қоғиянинг функционал ва структурал эволюцияси .....	106
<b>Г.Муҳаммаджонова</b>	
Ижод психологизмининг бадиий талқини.....	110
<b>Я.Нишанов</b>	
Америка адабиёти тарихи: "Ва қуёш чиқмоқда" романидаги йўқотилган авлод.....	114
<b>А.Махмудов</b>	
Олмон адабиётшунослигига Шарқ мавзуси ва унинг эстетик роли .....	119

## ТИЛШУНОСЛИК

### **А.Мамажонов, М.Мамажонов, Б.Полвонова**

Тилшуносликда вариантилилк масаласи ва унинг бошқа ҳодисалар билин муносабати .....	124
<b>С.Мўминов, А.Юлдашев</b>	
Сўз илмий талқинига бир назар .....	130
<b>М.Зокиров, Ф.Исомиддинов</b>	
Билингв нутқида фонетик интерференциянинг намоён бўлиши хусусида .....	134
<b>Н.Умарова, О.Холматова</b>	
Мақол ва матал тушунчаси, мақоллар семантикаси хусусида .....	139
<b>Г.Розикова, М.Курбонова</b>	
Чўлпон ва Бехбудий асарларида окказионал бирликларнинг қўлланилиши.....	143
<b>Х.Сотвалдиева</b>	
Инглиз тилини хорижий тил сифатида ўқитишда мақоллардан фойдаланиш .....	147
<b>Ш.Кахарова</b>	
Ўқитувчи мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари .....	151
<b>Р.Абдуллаева</b>	
Дунёнинг лисоний мақол манзарасида одамга эстетик баҳони ўрганиш муаммолари .....	155
<b>Г.Мамаджанова</b>	
Лингвокультуре маларнинг фрейм тақдимотлари параметрлари .....	159

## ПЕДАГОГИКА

### **Т.Эгамбердиева**

Талабаларда интеллектуал маданиятни ривожлантиришнинг педагогик таҳтили ва талқини .....	164
<b>Х.Ибраимов, К.Тоджибаева</b>	
Бўлажак тарбиячи ва бошланғич синф ўқитувчиларида инклузив компетентликни ривожлантириш ижтимоий зарурат сифатида .....	170

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

### **М.Хакимов, Ш.Умурзакова**

Озиқ-овқат микробиологияси ва биотехнологияси фанини ўқитишининг назарий масалалари ва мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.....	174
--	-----

### **Н.Валиева**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Дин ишлари бўйича қўмитанинг ташкил этилиши омиллари.....	179
--	-----

### **М.Расулов**

Ўзбекистон тарихини ўрганишда маданий мерос объектларининг ўрни .....	182
---	-----

### **Ф.Каримова**

Ўзбек халқ лирикасида олов аналогларининг бадиий вазифаси .....	186
---	-----

ИЖОД ПСИХОЛОГИЗМИНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ  
ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ПСИХОЛОГИЗМА ТВОРЧЕСТВА  
ARTISTIC INTERPRETATION OF PSYCHOLOGY OF CREATION

Гўзалхон Муҳаммаджонова<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Гўзалхон Муҳаммаджонова

– Фарғона давлат университети, филология фанлари номзоди, доцент.

**Аннотация**

Мақолада ижодий тафаккур, ижодий жараён, ижод психологияси ва унинг бадиий асардаги талқинлари хусусида фикр юритилган. Асад Дилмуроддининг “Ранг ва меҳвар” романидаги рассом Комрон Вали мисолида ижодкор инсоннинг руҳияти, ижоднинг экстаз ҳолатлари бадиий талқини, унда бадиий синтез масаласи юзасидан хулосалар берилган.

**Аннотация**

В статье представлены рассуждения о творческом мышлении, творческом процессе, психологии творчества и его интерпретации в художественном произведении. На примере образа Комрона Вали из романа Асада Дилмурова “Ранг ва меҳвар” («Цвет и ось вращения») делается заключение о психологии творческой личности, художественной трактовке состояния экстаза творчества, проблемах художественного синтеза.

**Annotation**

The article discusses creative thinking, the creative process, the psychology of creativity and its interpretations in a work of art. Conclusions regarding to the psyche of the creative person, the artistic interpretation of the ecstasy in creativity and the issue of artistic synthesis are provided in the example of the artist Komron Vali in the novel "Color and Axis" by Asad Dilmurod.

**Таянч сўз ва иборалар:** ижод психологияси, ижодий режа, ижодкор инсонобрази, истеъдод, бадиий синтез, бадиий деталь, интерьер, бадиий идрок, рангтасвир, туш эпизоди.

**Ключевые слова выражения:** психология творчества, творческий план, образ творческого человека, талант, художественный синтез, художественная деталь, интерьер, художественное осмысление, живопись, эпизод сна.

**Keywords and expressions:** creative psychology, creative plan, creative human image, talent, artistic synthesis, artistic detail, interior, artistic perception, painting, dream episode.

Ҳаётни бадиий идрок этиш, уни бадиий, фалсафий таҳлил қила олиш қобилияти ижодкорнинг энг характерли сифатидир. Ижодкор инсон адабий, психологик, концептуал жиҳатдан қизиқ тадқиқот обьекти бўла олади. Адабиётшунослиқда ижодкор олами, ижод психологияси юзасидан қатор тадқиқотлар олиб борилган ва турлича тавсифлар берилган.

“Шоирона истеъдод – бир қараганда, оламга ҳайрат кўзи билан боқиш санъати ва ўзгаларни ҳайратга солиш санъати, эл дардига ошно бўлиш қобилияти”[1.10.] дир. “Истеъдод – бу, дид, – дея эътироф этган А.Орипов, – талант – ҳеч қачон янгилигини йўқотмайдиган ягона янгиликдир”, деган хулосага келади. Х.Дўстмуҳаммад эса “ижод – кўнгил муナvvарлиги”, дея эътироф этади ва “ижодкорнинг мавжудлигининг ўзиёқ ижтимоий ҳодиса ҳисобланади” [2.85.], деган

фикрга келади. Дарҳақиқат, жамият, ҳалқ ҳаётига даҳлдор воқеликлар ижодкорнинг интеллигента мажассамлашиши ҳайратланарли ҳодисадир. У.Хошимовнинг таъбирича, “Талантнинг биринчи белгиси – чидаб бўлмас дард демақдир” [3.196.]

Поэтик ижоднинг сири ижодкорнинг ўзлигини топишидадир. Ижодкор ўзини топганда, ижодида ўз “мени” акс этганда, чинакам истеъдод сифатида намоён бўлади. Дунёқарашибураккаб бўлган ижодкор оламининг, руҳиятининг китобхон томонидан идрок этилиши эса унинг инсонни англаш йўлидаги юксалиши, эврилишларини юзага келтиради.

Ижодкор сўзининг рус тилидаги таржимаси Яратган маъносини ҳам беради. Бу, бежиз эмас, чунки Яратганга хос яратувчанлик, алоҳида бадиий олам яратиш иқтидори фақат уларгагина берилган. Бу, оламнинг ўз тартиб-қоидалари, муаммолари,

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

ўзгача табиатли инсонлари бор. Бу ёзувчининг тасаввур оламидир. Гўё у Буюк Яратувчидан илҳом олиб, яна бир олам яратади. Шуни назарда тутиб ҳам шоир Мұхаммад Юсуф “шоирлар худонинг эртактойлариридир”, дея тавсифлайди.

Ижодкор яратган бадиий оламида унинг аралашуви, симпатия, антипатиясини очиқ-ошкор билдириши асар қимматини пасайтиради. Г.Флобер тўғри таъкидлаганидек, “бу дунёда бирор сабаб билан юз берадиган нарсага аралашишга, ўзининг фикрини айтишга романистнинг ҳаққи йўқ. У ўз ижодида худога ўхшаши шарт, яъни яратсин-у жим турсин” [4. 247.].

Ҳар қандан бадиий иш жараёнини А.Фадеев шартли равиша уч даврга бўлади: 1) материал жамғариш даври, 2) асарни ўйлаб пиширмоқ даври, 3) уни ёзиш даври [5. 115.]. Умуман олганда, бадиий ижод жараёни ўта кучли руҳий зўриқиш, эврилишлардан иборат масъулиятли жараёндир.

Ўзбек адабиётида ижодкор инсон образининг бадиий талқинлари бўйича муайян тажриба бўлса-да, улар илмий асосда етарли ўрганилган эмас. Ваҳоланки, ижодкор инсон образи бадиий талқинларини генетик, биографик, қиёсий-тарихий, тавсифий, герменевтик тадқиқ этиш қизиқ натижалар беради. Хусусан, рассом образи акс этган асарлар бадиий синтезга асосланган тасвиirlарга бойлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Асад Дилмуроддининг “Ранг ва меҳвар” романини муайян маънода ижод жараёни, ижод психологисининг бадиий талқини дейиш мумкин. Унда санъат тарихига оид маълумот ва фактлардан рассом руҳий оламини, унинг психологик ҳолатларини ёритишда самарали фойдаланилган. Шу жиҳатдан романда маърифий-эстетик моҳият кучли. Бу ҳақда адабиётшунос И.Ёқубов ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади[6].

Роман давомида бутун бир санъат галереясига – кўргазмага сайд қилингандек таассурот уйғонади. Ўнга яқин картиналарнинг тавсифи тасвирий санъат ва сўз санъати уйғунлигидаги образли тасвири намоён этади. Жилға, Ишва, Калхат, Семурғ, Туячумоли, Ҳулкар, Ғунча, Оғуш, Ҳомила, Карвон каби картиналар бадиий синтезнинг характерли намуналари эканлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Улар китобхон тасаввурида ўзига хос мусиқа ва шиддатли ижод руҳияти билан пайдо бўлади.

Комрон Вали картиналар устида ишлар экан, унинг мураккаб руҳий дунёси теран гавдаланади. Зиддиятли кечинмалар, туйгулар коллизияси китобхонни ҳам руҳий қийноқларга солади. Романни бир маромда ўқиши мумкин эмас. Китобхон Комрон Вали билан биргаликда димиқкан мухит, туйгулар пўртанасида обдон қийналади. Ижод онлари-экстаз ҳолатлари рассомликнинг турли йўналишларига хос модернистик, импрессионистик, постимпрессионистик каби қатор нореалликларда ноанъанавий тасвиранади. Умуман олганда, инсон руҳий оламини тасвирилаш реал олам тасвиридан кўра анча мураккабдир. Асад Дилмурод ижодкор инсон руҳий кенгликларининг пучмоқлари қадар яратишга интилади. Бу жараёнда муаллиф ўз “мен”ини ҳам ифода этгани баён услубидаги кўпқатламликларда кўринади. Баъзан баёнчи нутқи ҳам Комрон Вали, ҳам муаллиф тафаккур ва таҳайиъол оламини акс эттираётганини англаш қийин эмас.

Воқеликлар санъат аҳли орасида кечади. Фақат бу оламга кимнинг қандай, қай йўл билан, нима мақсадда кириб қолгани, уларнинг санъатга муносабати эса турлича. Асарда чин санъат учун, эзгулик учун умренини бағишилаган ижодкорлар Комрон Вали, Мерган, Вали бахши образларига Носир Охун, Тўра Охун, Санам, Тарвуз домла, каби моддиятни устун қўювчи, худбин, маънавий тубан, ахлоқсиз, нафс бандалари бўлган “санъаткор”лар қарама- қарши қўйилади. Романнинг бошидан сўнгига қадар адолатсизлик, ҳаромхўрлик, ахлоқсизликка қарши катта бир исён туйғуси томирдаги қон сингари акс этиб туради. Бошқача айтганда, ошкора ва пинҳона исён, нафрат туйғулари шоир Э.Воҳидовнинг “Шоир бўлсанг, қаламингни найза қилиб тутолсанг” сатрларини ёдга солади. Комрон Вали ўз ҳолича санъатни ҳам ўз нафсига, ҳою-ҳавасларига хизмат қилдирган нафс бандалари билан тинимсиз курашади. Фақат бу курашларнинг асоси унинг тафаккурида, руҳиятида, ижод жараёнида кечади, унинг асарлари эса ана шу шафқатсиз курашнинг кўзга кўринарли босқичи эди, холос.

Асарда буюк грузин рассоми Нико Пироствани қисмати мисолида кўплаб

ижодкор шахслар ҳаётига хос фожиали қисмат гавдаланади. Бу билан ижодкор инсонни асосан кўнгил одами эканлиги айни шу сабаб ҳам ҳаёт йўли бир маромда кечмаслиги ачиниш ва ҳайрат билан баён қилиш баробарида айни қисматдан таъсирланиб ёзилган “Бир миллион дона атиргул” шеъри (А.Вознесенский) ва қўшигининг (А.Пугачева) яратилиши тарихи баёни маърифий-эстетик моҳият касб этади. Бу билан таъсирланиш, ижодий таъсир онлари бир-бирига занжирсизон боғлиқлиги уларнинг асоси эса кучли эстетик-эмоционал таъсир билан чамбарчас эканлиги кўрсатиб берилади.

Ижодий жараён бежиз тўлғоққа менгзалмайди. Асли ижод ҳомиланинг пайдо бўлиши, асарнинг туғилиши босқичларидан иборат. Аммо айни асарни қайта яратишга уриниш ҳам чандон ортиқ азобдир. “...бир дардни қайта-қайта тўйиш дўзахий қийноққа teng, аммо барибир журъату имкон топиб, маломатни тўла бартараф этиш лозим”. Ўз ҳаёти, ўз асарлари, тақдиридан кўнгли тўлмаган мусаввир асарини қайта, камчиликлардан ҳоли яратиш учун ўзини мажбурлашга маҳкум. Ижодий тафаккурдаги ўсишлар, ижодидан руҳий қониқмаслик сабаб ҳам ижодкор инсонда асарини қайта ишлаш эҳтиёжи юзага келади. Бу, рассомларда бот-бот кузатилувчи ҳолат.

Мусаввирнинг хаёлини ўғирлаган ижодий туркум “ўзаро қовушган ранглар марсияси эмас, умид ва тасалли уйғотувчи ғусса-ю армонлар суратини жам этувчи мажмуя” эди. Айниқса, ҳомила картинаси зиддиятли кечинмалар, ўтдек куйдирувчи ҳасратлар асосида яратилган бўлиб, “ботиний ва зухурий оламни маромида бўрттириш, бир нуқта ичидан беҳудуд олам бунёд этиш, ҳар бир чизик мантиқ устуни бўлишини таъминлаш осон кечмади. Бу борада тўла қониқиш ҳосил қилиш учун лаҳза изидан келган лаҳза замираida минг ўлиб тирилди, она сути оғзига келгани эвазига Нафиса олдидаги қарзини узганди ...”

Мусаввир ҳам нафис, ҳам дағал ранглар билан вақт ва қисматга тобе одамзотнинг ғам-у андуҳидан, яхши-ёмонидан, кечмишидан сўйлайди, ҳар бир изтироб, дардни ўз қалбидан ўтказиб, хис этиб тасвирлайди. Энг характерлиси, аслида ижодкор айни шу буюк изтироб, қийноқлар

палласида чинакам яшайди. Умрининг мазмуни айни шу онлар билан белгиланади.

Романда рангтасвир санъатига хос (деталлаштириш усул) бадиий деталдан самарали фойдаланилган. Жумладан, ичкилик ва тамаки билан боғлиқ қўланса ҳид деталига бир неча бор мурожаат қилинади. Бу, мусаввирнинг дарду аламлари, фарёдининг, ожиз исёнинг бир кўринишидир. Ачқимтил, кўзни ёшлатувчи, димогни ачиттгувчи ҳид – ўз дардида “тутаб”, нажот топа олмаётган юракнинг изтироблари. Бу дард, изтиробни тортгани сари ўзни ифодалашга, ижодга эҳтиёж, ижодий юксалиш ортаверади. Зоро, ижод дардан яралади. “Қўланса ҳиди деворлар, матолар-у бўёклар ва картиналарга сингиётган кўкиш тутундан тўйиб шимиргани сайин хаёли ажабтовур қанотланади ва ҳар қандай қудратли рақибни ер тишлатишга қодир шердек куч-у ғайратга тўлиб боради, аста-секин содик нажоткорни учратади”.

Рассом жўшқин ижоддан ҳориган пайти маймоқ диванга чўкиб дам олади. Маймоқ диван деталида рассомнинг турмуш тарзи, ночорлиги акс этади. Шунинг баробарида маймоқ диван бир неча тушларга манзил, турфа картиналарининг дунёга келишига, санъатнинг кўчасидан ўтмаган, аммо энг сараларини ўзиники бўлишини истаган келиб-кетувчиларнинг кузатилишига гувоҳ.

Асарда туш эпизодидан самарали фойдаланилган. Орада Комрон Валини хаёлот дунёсидан реал ҳаётга “чақириб” турувчи телефон қўнғироқлари ҳам муҳим эстетик вазифа бажарган. Ижод билан банд бўлган санъаткорнинг қўнғироқларга нисбатан реакцияси руҳият онларининг ботиний ва зухурий олами туташ чегараларида акс этади. “Нима ҳам қиласди, аксига олиб ногоҳ телефон чинқириб хаёлини ҳазон каби тўздириди ва ажиб жараён бой берилди”.

Интерьер тасвири қаҳрамон табиати, қизиқишилари, жараёнга қадар бўлиб ўтган воқеликлар ҳақида далолат берувчи композицион унсурдир. У айниқса, мусаввир образи акс этган асарларда айрича функция бажаради. Аксари мусаввирларнинг ижод лабораторияси умумий руҳият, кайфият ифода этади: бўёқ ҳиди, тартибсизлик, ранглар жилоси, буларнинг барчасида мусаввир ижодхонаси руҳияти намоён.

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

“...Рутубатга тўлганча тўзғиб ётган жимжит устахонани нақадар соғинганини яққол ҳис этди, қалин чанг босган дастгоҳлар, мунғайган қалам-у бўёқдон ...” нафақат мусаввирнинг ижод муҳити ҳақида, балки унинг руҳияти, кайфияти, сифатларини ойдинлаштиради. Тайёр картиналарга қарагани ботинмай, қараса бирон айби очилиб изза ейдигандек бўйини қисганча тортмадан қаттиқ нон топиб сувга увитиб еганча яна ижод ҳақида ўйлаш мусаввир Комрон Валининг ижоди психологиясини намоён этади.

Комрон Вали, унинг устози, дўсти, рассом Мерган шахс сифатида жамиятда авж олган ва анчайин ўрнашиб қолган иллатлар билан муросасиз кураш олиб боради. Бу кураш уларнинг характеридаги камчилик ва нуқсонлари сабаб ожизона тус олиши уларнинг идеаллаштирилмаганлиги, борича тасвирланганидир. Айни тасвирларда ижодкор руҳиятига хос ўзгарувчанлик, нозик қалб эгаси эканлиги, жамият билан муросасизликларда ожизликлари табиий ва ишонарлидир. Ҳар икки образ оламни юксак маънавий мезонлар асосида идрок этади ва шунинг учун ҳам руҳий қийноқларга гирифтор. Ўз-ўзини енгиб, жамиятдаги иллатлар билан

келишиб яшашни истамайди. Зоро, улар Мерган кўп бор таъкидлаганидек, “мўйқалам ва иймон бутлиги дунёни асрайди”, деган буюк тамойил асосида яшайди ҳамда ижодга шундай муносабатда ёндашади. Мерганинг ўйтларида “ранглар кўнгил иқлими ва ҳатто ёруғ дунёни поклашда иштирок этадиган фаол омил” эканлиги бот-бот тақрорланади. Бу каби талқинлар дунёни нур ва ранглар уйғунлигига идрок этишининг табиатини, моҳиятини ойдинлаштиради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бадиий ижод психологияси адабиётшунослик илмида тадқиқ әтилган бўлса-да, унинг адабиётдаги бадиий талқинлари етарли ўрганилган эмас. Ижодкор инсон образи тасвирланган бадиий асарларда ижодий тафаккур ва бадиий идрок, ижодкор шахс руҳияти, ижод жараёни юзасидан эмоционал-экспрессив таъсир кучига бой талқинлар учрайди. Улар ижодкор инсон руҳий-маънавий оламини теран англаш ва ҳис этишда муҳим аҳамият касб этиш баробарида ижодкор инсонни ижодкор (ёзувчи) томонидан кашф этиш тамойиллари ва моҳиятини ойдинлаштиради. Ижодкор инсоннинг сиймоси бадиий санъатлар синтезидаги тасвирлар воситасида янада оригиналлик касб этади.

### Адабиётлар:

1. Умурев Х. Бадиий ижод асослари. –Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
2. Дўстмуҳаммад Хуршид. Ижод – кўнгил мунавварлиги. –Т., “Мумтоз сўз”. 2011.
3. Ҳошимов Ў. Нотаниш орол. –Т., “Ёш гвардия”, 1990.
4. Флобер Г. Собр.соч.в 5-ти томах, М., 1956.
5. Фадеев А. Менинг адабий тажрибам – ҳаваскор муаллифга. “Бадиий ижод ҳақида”. –Т.: Ўздавнашр, 1960.
6. Ёкубов И. Бадиий матн ва эстетик талқин. –Т., “Фан ва технологиялар”, 2013.
7. Асад Дилмурод. Ранг ва меҳвар. //”Шарқ юлдузи”, 2012, №5,6.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори)